



Лойиҳа Европа  
Иттифоқи томонидан  
молиялаштирилган



Ўзбекистон Республикаси  
махалла ва оила  
қўллаб-қувватлаш  
вазирлиги



SOS BOLALAR  
MAHALLALARI  
O'ZBEKISTON

**SOS Ўзбекистон Болалар маҳаллалари томонидан  
амалга оширилган ва Европа Иттифоқи молиявий  
кўмагида олиб борилган “Ўзбекистонда  
ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилалар  
ва болаларнинг манфаатларини таъминлаш”  
лойиҳасининг амалга оширилиши юзасидан  
таҳлилий Ҳисобот**

**2018-2020**



Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож  
бўлган оилалар ва болаларнинг  
манфаатларини таъминлаш



**SOS Ўзбекистон Болалар маҳаллалари томонидан  
амалга оширилган ва Европа Иттифоқи молиявий  
кўмагида олиб борилган “�збекистонда  
ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилалар  
ва болаларнинг манфаатларини таъминлаш”  
лойиҳасининг амалга оширилиши юзасидан  
таҳлилий Ҳисобот**

Ҳимояга муҳтож болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ислохотлар Ижтимоий иш технологияларининг жорий қилиниши ҳисобига самарали кечиши мумкин. Зеро, инсон манфаатларини ҳимоялашнинг самарали усулларида хабардор бўлган салоҳиятли Ижтимоий иш ходимлари ёрдами қийин ҳаётӣ вазиятдаги оилалар муаммоларини оқилона ва эрта босқичларда бартараф этилиши имкониятини оширади. Ўзбекистон ривожланишининг замонавий босқичида халқаро ва миллий қонунчилик меъёрларига ҳамоҳанг равишда ижтимоий ҳимоя тизимининг турли соҳаларига кейс-менежмент стандартларининг жорий қилиниши болалар ва оилалар фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим ютуқларидан биридир.

Ушбу таҳлилий ҳисоботда SOS Ўзбекистон Болалар маҳаллалари томонидан Европа Иттифоқи молиявий қўмагида 2018-2020 йиллар мобайнида амалга оширилган “Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилалар ва болаларнинг манфаатларини таъминлаш” лойиҳасининг амалга оширилиши билан боғлиқ фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

Фикр ва мулоҳазалар Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг “Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муаммоларини” ўрганиш бўлими бош мутахассиси, ижтимоий иш ходими, деинституционализация соҳасидаги тажрибали эксперт мутахассис Д.Ғ.Хусанова томонидан лойиҳа амалга оширилиши давомида ўтказилган тадбирларнинг гувоҳи ва иштирокчиси сифатидаги ҳолис муносабати ҳамда лойиҳага тегишли оралиқ ҳужжатларни таҳлилий ўрганиш асосида билдирилган.

## Мундарижа:

1.	Мундарижа	3
2.	Қисқартма ва атамалар	4
3.	Кириш	5
4.	Лойиҳа натижаларининг самарадорлиги таҳлили	9
5.	Лойиҳа мақсадларига эришишга таъсир қилган омиллар	16
6.	Лойиҳада амалга оширилган тадбирлар ва қўлланилган усулларнинг келгусида ҳам долзарблиги	18
7.	Лойиҳа натижаларини жорий қилиш юзасидан Тавсиялар	21

## **Қисқартмалар:**

**SOS ЎБМ** – SOS Ўзбекистон Болалар маҳаллалари;

**ИМК** – Идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгаш;

**МГ** – Мувофиқлаштирувчи гуруҳ

**ХҚҚ** – Хотин-қизлар Қўмиталари

## **Асосий атамалар:**

**Деинституционализация** – боланинг оилада яшашга бўлган ҳуқуқини таъминлашга қаратилган давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоатчилик томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуи;

**Идоралараро ҳамкорлик** – ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва ижтимоий хатарли шароитда қолган болаларга хизматлар кўрсатилишини мувофиқлаштириш жараёни;

**Ижтимоий хизматлар** – қийин ҳаётий вазиятдаги оила ва болаларнинг ҳаёти фаровонлигига эришиши учун уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган мажмуавий (ижтимоий-ҳуқуқий, молиявий-моддий, педагогик-психологик ва ш.к.) кўмак.

**Кейс-менежмент** – бу индивид ва оилани ҳамкорликда баҳолаш, хизматларни режалаштириш, кўрсатилишига ёрдам бериш, уларни мувофиқлаштириш, эришилган натижаларни баҳолаш, миқдор учун хавфсиз ва сифатли хизматлар кўрсатилишини таъминлаш ҳамда иқтисодий самарали натижаларга эришиш учун мулоқот ва қулай ресурсларга йўналтириш орқали индивид ва оиланинг ҳар томонлама ўрганилган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган хизматларни кўрсатиш жараёнидир. (Кейс-менежмент бўйича Америка Жамияти, КМАЗ, 2010)<sup>1</sup>

**Қийин ҳаётий вазият** – шахс/оиланинг ўзи мустақил равишда бартараф эта олмайдиган ҳамда инсон ҳаёти фаолиятини объектив сабабларга кўра (ногиронлик, ёши катта бўлгани учун ўзига хизмат кўрсатишга қодир эмаслик, касаллик, етимлик, назоратсизлик, кам таъминланганлик, ишсизлик, муайян турар-жойининг мавжуд эмаслиги, оиладаги низолар ҳамда шафқатсиз муносабат, ёлғизлик ва ш.к.) бузувчи вазият.

---

<sup>1</sup> «Кейс-менежмент амалиёти хизматлари: Ижтимоий хизматларга муҳтож инсонлар ва оилалар билан ишлаш юзасидан қўлланма». Муаллифи Ким Людмила. Европа Иттифоқи, БМТ ЮНИСЕФ болалар жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг Минтақалараро ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ҳамда «Оила» Республика илмий-амалий тадқиқот маркази билан ҳамкорликда амалга оширилаётган «Жануби-шарқий, Жанубий ва Марказий Осиё минтақаларида миграция таъсирига учраган болаларни ҳимоя қилиш» лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган.

## 1. Кириш

**1.1. Масаланинг моҳияти.** Ижтимоий ҳимояга мутож оила ва болаларнинг ҳаётларида дуч келган муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, зарур кўмакни кўрсатиш орқали оилавий вазиятларини яхшилаш, ҳаёти фаровонлигига эришишига ёрдам бериш – уларнинг янада хатар вазиятга тушишини олдини олиш йўлидаги муҳим профилактик чорадир. Ушбу чоралар уларнинг ҳаёти фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи ички ресурсларини оширишга, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилиши лозим. Оилаларнинг кучли томонларидан фойдаланиш, уларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, ҳаётий мотивацияларини кучайтириш, уларга имкониятлар бериш – ижтимоий хизматларнинг асосий усули бўлиб хизмат қилиши лозим.

Оила фаровонлиги, ота-оналар масъулияти – бола хавфсизлиги кафолатидир. Мазкур лойиҳа ҳам ҳимояга мутож оила ва болалар муаммолари билан ишловчи ташкилотлар фаолиятига Ижтимоий иш элементларини жорий қилиш орқали ҳимояга мутожликни бартараф этиш, оилаларнинг ҳаёти даражасини оширишга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция” ва Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги, жумладан, “Бола ҳуқуқлари кафолатлари” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунида эътироф этилган бола ҳуқуқлари ва кафолатларининг таъминланиши имкониятини оширади. Зеро, ҳимояга мутож болалар ва оилалар билан ишловчи мутахассисларнинг Халқаро амалиётда эътироф этилган Ижтимоий иш элементларидан хабардор бўлиши, ўз фаолиятида кейс-менежмент амалиётидан фойдаланиши, боланинг энг яхши манфаатларини кўзлаган ҳолда бола ва оила яхлитлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилиши, боланинг ўз оиласи ғамхўрлигида ўсиши ва ривожланиши учун оила ички ресурсларини ривожлантиришга ҳаракат қилиши – буларнинг барчаси Ижтимоий иш ходими профессионал ёндашуви таркибидир.

Ижтимоий хизматларнинг микро даражасида, яъни маҳаллалар фаолияти даражасида оиланинг илк муаммоларини эрта босқичларда аниқлай билиш, уларни бартараф этишга қаратилган хизматлар режасини тузиш, оиланинг иқтисодий, ижтимоий барқарорлигига эришиш учун мажмуавий хизматларни кўрсатиш – мутахассислардан идоралараро ҳамкорликни талаб қилади.

Ижтимоий ҳимоя тизими фаолиятига кейс-менежментни жорий қилиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, идоралараро ёндашув механизминини жорий қилиш, оиланинг кучли томонларидан фойдаланиб, уларнинг ички ресурсларини ривожлантиришга ёрдам бериш – буларнинг барчаси SOS Ўзбекистон Болалар маҳаллалари томонидан Европа Иттифоқи

молиявий кўмагида 2018-2020 йиллар мообайнида амалга оширилган “Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилалар ва болаларнинг манфаатларини таъминлаш” лойиҳасининг асосий моҳиятини ташкил этади.

**1.2. Лойиҳанинг умумий мақсади** – маҳаллалар қошида ижтимоий ёрдам кўрсатиш моделини ишлаб чиқиш йўли билан фуқаролик жамияти, жамоатчилик ташкилотлари ва давлат органларининг ҳимояга муҳтож болаларни ҳимоялаш соҳасидаги фаолияти ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш орқали болалар ҳуқуқларининг ҳимояланиши ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватланишининг яхшиланишига эришишдан иборат.

**1.3. Лойиҳа амалга оширилиши якунида қуйидаги натижаларга эришилиши кўзда тутилган эди:**

1. Болаларни ҳимоялаш соҳасида фаолият олиб боровчи жамоатчилик ва давлат ташкилотлари пилот ҳудудлар кесимидаги амалиётда ўзларининг эгаллаган барча назарий билимларини тўлақонли равишда қўллай оладилар.
2. Тошкент шаҳар, Самарқанд ва Хоразм вилоятида (пилот ҳудудларда) тузилган идоралараро ҳамда жамоатчилик гуруҳлари ҳимояга муҳтож гуруҳ вакиллариغا зарур ёрдамни кўрсатиш ҳамда қўллаб-қувватловчи чораларни амалга ошириш орқали таклиф қилинган ҳимоя моделини самарали қўлламоқдалар.
3. Миллий даражада кенг қўллаш учун ҳимояга муҳтож болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлашнинг самарали моделини тарғиб қилиш.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг пилот ҳудудлардаги бўлинмалари, ЎзР Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳоли бандлигини таъминлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, ВМ қошидаги “Оила” ИАТМ ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий хокимликлар ва ўзини-ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар), ҳимояга муҳтож оилалар ва болалар билан ишловчи нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилган.

Лойиҳа давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоатчилик, маҳаллий ҳукумат идораларнинг бола ҳуқуқларини ва унинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш соҳасидаги ҳамкорлигини кучайтиришга йўналтирилган бўлиб, жамоатчилик даражасида ижтимоий кўмак моделининг жорий этилишини кўзда тутди.

**1.4. Лойиҳа амалга оширилиши давомида қўллаб натижаларга эришилган.** Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар Қўмитаси ва SOS Ўзбекистон Болалар маҳаллалари уюшмаси ўртасида Меморандум тузилди. Ушбу Меморандум лойиҳа мақсад ва вазифалари ижроси, жумладан ҳимояга муҳтож оилалар ва болаларни қўллаб-қувватлашнинг самарали моделини жорий қилиш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилди.
- Янги тузилган Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда SOS Ўзбекистон Болалар маҳаллалари уюшмаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик Меморандуми тузилди. Мазкур Меморандум ўзида ўзаро манфаатдор соҳаларни бирлаштириб, оилаларни мустаҳкамлаш, ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий етимликни олдини олиш, жумладан етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳимоялаш тизимида деинституционализацияни самарали амалга ошириш йўлида ижтимоий ишга тааллуқли услубий ишланмаларни алмашиш ҳамда самарали амалиёт тажрибаси билан улашиш каби вазифаларни белгилаган.
- Бола тўғрисидаги Конвенция ижросини таъминлаш бўйича Идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгаш (ИМК) жамоаси шакллантирилди. Унинг фаолияти негизида пилот ҳудудлардаги вилоят кесимида мувофиқлаштирувчи гуруҳлар (МГ) шакллантирилди. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ фаолиятининг мақсади – юзага келадиган муаммоларни муҳокама қилиш ҳамда тизимни ўзгартириш ва лойиҳа бинефициарлари учун узок муддатли ижобий натижаларни таъминлашга хизмат қилувчи чораларни излашдан иборат.
- Юқори давлат органлари ходимлари учун давра суҳбатлари ва ишчи гуруҳлари йиғилишлари ўтказилди.
- Вилоят, шаҳар кесимидаги идоралараро жамоа таркибига кирган мутахассислар учун “тренерлар учун тренинг”лар ташкил этилиб, кейс-менежмент элементларини ўз фаолиятига қўллаш, самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш моделини амалиётга кенг жорий қилишга кўмаклашувчи тренерлар жамоаси шакллантирилди.
- Шакллантирилган тренерлар жамоаси ёрдамида пилот ҳудудларда 5 та каскад тренинглар ташкил этилиб, ижтимоий иш ёндашувларига ўргатилган мутахассислар сафи кенгайтирилди. Натижада лойиҳа амалга оширилган йиллар мобайнида жами 79 нафар мутахассис ҳимояга муҳтож оила ва болаларни ҳимоялаш ишида кейс-менежментни қўллашга ўргатилди.
- Пилот ҳудудларда 10 та маҳалла белгилаб олинди ва улар таркибида 10 та ихтисосликлараро ва идоралараро жамоа/гуруҳ шакллантирилган. Мазкур жамоа таркибига

маҳалла вакили, ХҚҚ ходими, маҳалла нозир, ички ишлар бўлимидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича нозирлар, оилавий поликлиника тиббиёт ходимлари, мактаб психологи ёки ўқитувчилари жалб қилинган.

- Ижтимоий хизматларни кўрсатувчи мутахассислар учун “Маҳаллада ижтимоий иш кейс-менежменти: идоралараро ҳамкорлик” ва “Бола парвариши, тарбияси ва оиланинг моддий барқарорлигини таъминлашда ота-оналик малакаларидан муҳим омил сифатида фойдаланиш” услубий қўлланмалари тайёрланди, мутахассисларга кенг тарқатилди. Тренинглар мазмуни ушбу қўлланмалар мазмунидан келиб чиқиб белгиланди.

- Мутахассислар идоралараро ҳамкорлик ва кейс-менежмент асосларини, ижтимоий иш ёндашувларини ўзлаштирдилар ва боланинг манфаатларини ҳимоялаш учун оилани қўллаб-қувватлаш амалиётига қўллашга эришдилар.

- Таклиф қилинган методология асосида ҳимояга муҳтожларга кўрсатилаётган хизматлар юзасидан ҳисоботларни юритиш тизими белгилаб берилди, унинг асосида мониторинг ва ягона баҳолаш тизими жорий этилди.

- Оилаларнинг ҳимояга муҳтожлиги мезонлари ишлаб чиқилди.

- Мутахассислар томонидан ҳимояга муҳтож оила ва болаларни самарали қўллаб-қувватлаш моделининг жорий қилиниши натижасида 348 нафар қийин ҳаётий вазиятдаги оилаларнинг ҳамда 541 нафар болаларнинг у ёки бу муаммолари бартараф этилишига эришилди.

- SOS Болалар маҳаллаларининг Тошкент, Самарқанд, Хоразм вилоятидаги локацияларида “Оилаларни қўллаб-қувватлаш хизматлари”нинг тажрибали ижтимоий иш ходими ва психологлари супервайзирлигида маҳаллалар кесимида фаолият олиб борувчи ихтисосликлараро жамоа фаолияти ўрганилиб, тегишли маслаҳатлар берилиб кузатув ишлари амалга оширилди.

## 2. Лойиҳа натижаларининг самарадорлиги таҳлили

**2.1. Лойиҳада белгиланган мақсад ва кутилган натижаларнинг бугунги кундаги аҳамияти.** Сўнгги маълумотларга кўра бугунги кунда Ўзбекистонда 10 миллиондан ортиқ бола яшайди. Улардан 68244 нафари қийин ҳаётий вазиятдаги етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалардир. Бу болалардан 3382 бола эса давлат тарбия муассасаларида (Болалар уйлари, Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари, SOS Болалар маҳаллалари, Оилавий болалар уйида) тарбияланаётган болалардир<sup>2</sup>. Мазкур болаларнинг 80 % идан кўпроғи ота ёки она ё ҳар икки ота-онаси, кўплаб ўз яқин қариндошларига эга. Ота-онасининг ғайриижтимоий хулқ-атвори, жинояти учун жазолангани, руҳий ёки жисмоний имкониятларининг чекланганлиги – болалар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишининг сабабларидандир. Лекин шу рақамдан энг катта қисми кам таъминланган ёки меҳнат миграциясидаги оилалар улушига тўғри келади (таҳминан 55 %) <sup>3</sup>.

Ота-оналар ўз ғайриижтимоий хулқ-атвори ёки ноахлоқий ҳаёт тарзини ўзгартира олмаган тақдирда болаларнинг сўнгги чора сифатида бу оилалардан ажратилиб олиниши унинг энг яхши манфаатларини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Бироқ кам таъминланганлик, ота-оналарнинг ишсизлиги, меҳнат миграцияси, ота-оналик масъулиятининг пасайиши каби муаммолар бугунги кунда болаларнинг муҳим ҳуқуқларидан бири – оилада яшашга бўлган ҳуқуқининг бузилишига сабаб бўлмоқда. Бир қараганда, боланинг манфаатини таъминлаши мумкин бўлган вазиятда – давлат органлари, жамоатчилик боланинг ушбу ҳуқуқи бузилишига ўзлари англамаган ҳолда сабабчи бўлиб қоладилар. Бир томондан, *оиладаги қийин ҳаётий вазият, ота-она ёки яқин қариндошларининг фарзанд тарбияси ва ғамхўрлиги масаласида масъулиятсизлиги*, иккинчи томондан эса – ваколатли давлат органлари ёки жамоатчиликнинг *ижтимоий масалаларга оид касбий салоҳиятининг етарли эмаслиги* бунга сабаб бўлмоқда.

Шундай экан, бугунги кунда болаларнинг оилада яшашга бўлган ҳуқуқини таъминлаш, уларни оиладан ажратмай, аксинча оила ғамхўрлигида сақлаб қолиш учун оилани қўллаб-қувватловчи чораларни кучайтириш жоиз. Оиланинг қийин ҳаётий вазиятга тушишига сабаб бўлган ички ва ташқи омилларни изчил таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш юзасидан мажмуавий ижтимоий хизматларни йўлга қўйиш орқали оила фаровонлиги барқарорлигини ошириш, ота-оналарнинг ички ресурсларини кучайтиришга эришиш

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 1 январь ҳолати бўйича берган маълумоти асосида

<sup>3</sup> Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2017-2019 йилдаги мониторинги натижаларидан

лозим. Ушбу чоралар Ижтимоий иш ёндашувларининг ижтимоий ҳимоя амалиётига кенг жорий қилиниши ҳисобига самарали кечиши мумкин.

Ижтимоий ҳимоя тизими фаолиятига ягона ёндашувнинг (кейс-менежмент, баҳолашнинг ягона тизими (1)) жорий қилиниши, мутахассисларнинг бола ва аёл ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари соҳасига оид касбий салоҳиятининг оширилиши (2), оилани қийин ҳаётий вазиятдан чиқаришга қаратилган қўллаб-қувватловчи чораларнинг кўрсатилиши (3), бу амалиётга идоралараро ҳамкорлик (4) нуқтаи назаридан ёндашилиши – энг самарали кўмак механизми ҳисобланади. Ушбу тўртта устун талаблар халқаро тажриба ва Ижтимоий иш амалиёти тамойилларига асосланган “Gate-keeping” тизимининг муҳим элементларидандир.

Европа Иттифоқи молиявий кўмагида SOS Ўзбекистон Болалар маҳаллалари томонидан 2018-2020 йиллар мобайнида амалга “Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилалар ва болаларнинг манфаатларини таъминлаш” лойиҳаси ҳам айнан мана шу муҳим элементларга риоя қилинган ҳолда шакллантирилган ва ижроси таъминланган.

**2.2.** Лойиҳа самарадорлигини мана шу тўрт устун талаблар доирасида таҳлил қиламиз.

**1.** Қийин ҳаётий вазиятдаги оила ва болаларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари ягона ёндошув – *кейс-менежмент талаблари доирасида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.*

Лойиҳа амалга оширилиши йиллари давомида 348 та қийин ҳаётий вазиятдаги оилаларга кўрсатилган ёрдам профессионал ёндашувга асосланган. Бунда оила ва бола вазиятини мажмуавий баҳолаш, оилани ривожлантиришга қаратилган хизматлар режасининг изчиллик билан тузилиши, шу режага мувофиқ амалга оширилган хизматлар, оилада содир бўлаётган ўзгаришлар мониторинги, заруриятда хизматларни қайта кўриб чиқиш, оилани кўмакли кузатиб бориш каби босқичларга риоя қилинган. Хизматлар кўрсатишда – оиланинг кучли томонларига таяниш, ички ресурсларини шакллантириш, шахсий ташаббускорлиги ва мотивациясини оширишнинг аҳамияти катта.

Лойиҳа вазифалари ижросига жалб қилинган мутахассислар билан олиб борилган суҳбат натижаларининг кўрсатишича, “кейс-менежмент” босқичларига риоя қилиниши – оилага кўрсатилган хизматлар самарадорлигининг асосий омилдир. Анъанавий ёндашувдан кўра ушбу ёндашув ўзининг бир неча афзал томонларига эга. Улар қуйидагилардан иборат:

- Оила вазияти оила аъзоларининг ҳулқ-атвори, моддий-молиявий таъминланганлиги, уй-хўжалик рўзғоридаги маиший имкониятлари нуқтаи назаридан эмас, балки оилада маънавий, психологик-эмоционал муҳитнинг ўрнатилганлиги, ота-

оналарнинг бола эҳтиёжларига (“Учбурчак баҳолаш шакли”га биноан) бефарқ эмаслиги, бола парвариши ва унга нисбатан ғамхўрликнинг тўғри таъминланганлиги комплекс (ҳар томонлама) баҳоланади. Бундай ёндашув оилада бола эҳтиёжларининг қондирилиши ҳолати ва сифати, бунинг учун ота-оналарнинг ўз мажбуриятларини қай даражада бажараётганлиги параметрларини, оила вазиятига таъсир қилувчи ташқи муҳит омилларини ўз ичига олади. Бола ва оила вазияти юзасидан ушбу ёндашув асосида хулоса чиқариш – кейс-менежментнинг асосий босқичидир. Қачонки баҳолаш тўғри амалга оширилса, баҳолаш яқунлари юзасидан тўғри фикр-мулоҳазаларни шакллантиришга, оиладаги муаммони аниқлаштиришга, шу муаммоларни бартараф этиш учун зарур хизматларни режалаштиришга эришиш мумкин бўлади.

1-расм. Учбурчак баҳолаш шакли.



2. Юқорида таъкидланганидек – *мутахассисларнинг* бола ва аёл ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлаш соҳасидаги *билим ва кўникмаларининг ривожлантирилиши* – ислохотларнинг муҳим таркибидир. Шундай экан, лойиҳа самарадорлигининг яна бир муҳим томони – бу Тошкент шаҳар, Хоразм ва Самарқанд вилоятида ижтимоий ҳимоя тизимида фаолият юритувчи 135 нафар (улардан Тренерлар учун тренингда – 56 нафар, каскад тренингларда эса 79 нафар) мутахассисларнинг Ижтимоий иш мазмуни доирасида касбий салоҳияти оширилишига эришилгандир. Бу мутахассислар боланинг ривожланишида оиланинг, хиссий боғланишнинг, ота-она ғамхўрлигининг ўрни ва аҳамияти, давлат тарбия муассасаларида тарбияланишнинг салбий оқибатлари, ижтимоий

етимликни олдини олиш йўллари борасидаги билимлари билан иш жараёнига ўзгача ёндошиш йўлларидан хабардор бўлдилар. Эндиликда улар кам таъминланган оилалардан болани олиб етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун давлат муассасаларига йўналтириш амалиётини қўлламайдиган бўлдилар. Аксинча, бундай муассасалардаги болаларни тутинган оилаларга бериш, болаларнинг тутинган оилаларга мослашишига кўмаклашиш – мутахассисларнинг эътиборидаги муҳим масалага айланди.

Ижтимоий ишга оид билим ва кўникмалари билан қуроллантирилган мутахассислар – ўз иш жойларида келгусида ҳам иш фаолиятига янгича назар ва муносабат билан ёндошишлари шубҳасиз. Кейс-менежмент асосларини ўзлаштирган ва тренерлик кўникмалари оширилган мутахассислар келгусида ўз ҳудудларида Ижтимоий иш ходими бўлибгина қолмай, балки супервайзер вазифасини ўташи мумкин бўлган профессионал салоҳиятга эга бўлган база сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин.

Бироқ ҳар бир соҳада кадрлар кўнимсизлиги муаммоси мавжудлигини инобатга олиб, ушбу лойиҳада амалга оширилган тренинглари мазмуни ва мутахассислар учун ишлаб чиқилган услубий материалларни кенг тарқатиш жоиз. Бу лойиҳа натижаларининг барқарорлигини янада оширишга хизмат қилади.

**3. Оилани қийин ҳаётий вазиятдан чиқаришга қаратилган *қўллаб-қувватловчи чоралар*.** Бунда оилаларга кўрсатиладиган хизматларнинг фақат молиявий ёки моддий кўмак берилишига эмас, балки оиланинг ички ресурслари/салоҳиятини ошириш, уларнинг бола парвариши ва ғамхўрликни муносиб равишда кўрсатиш юзасидан билим ва кўникмаларини ошириш, ота-оналик масъулиятини кучайтириш, касбий йўналганлик, касб-ҳунар кўникмаларига ўргатилиши, қисқа ва узоқ муддатли даврга оилага маиший техникаларнинг берилиши эвазига уларда ўз молиявий имкониятларини тиклашга ёрдам бериш, оила бюджетини самарали бошқариш кўникмаларига ўргатиш – булар муҳим самарали ёрдам механизмлари таркибидир. Зеро, қийин ҳаётий вазиятдаги оила ресурсларини кучайтириш мақсадида уларнинг “қўлига балиқ бермай, аксинча қармоқ бериш” га уриниш бугунги кун ижтимоий ҳимоя тизими фаолиятининг асосий тамойилларидан бўлиши жоиз. Чунки анъанавий тарзда оила учун ҳукумат томонидан белгиланган моддий ёрдамлар бериш билан чекланиш – кутилган натижаларга олиб келмаслиги аниқ.

Лойиҳа натижаларининг қимматли томони ҳам шундаки, жойлардаги мутахассислар лойиҳа давомида олиб борилган таълимий (тренинглари), услубий (услубий қўлланмалар билан таъминланиши), амалий (супервизия ва консултациялар) тадбирлар натижасида иш

фаолиятларига кейс-менежмент амалиётини, оила ва болаларни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини қўллашга эришдилар.

Ушбу амалиётнинг бардавомлигини таъминлаш ҳамда кенг жамоатчиликнинг самарали моделдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш мақсадда лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган “Ижтимоий ишда кейс-менежмент: идоралараро ҳамкорлик” ва “Бола парвариши, тарбияси ва оиланинг моддий барқарорлигини таъминлашда ота-оналик малакаларидан муҳим омил сифатида фойдаланиш” услубий қўлланмаларини самарали восита сифатида кенг мутахассислар эътиборига ҳавола қилиш мақсадга мувофиқ.

**4. Идоралараро ҳамкорлик** ижтимоий ҳимоя тизимининг ҳар бир босқичида самарали ўрнатилишига эришилди.

Жумладан:

- **Микро даражада:** пилот ҳудудлардаги белгиланган 10 та маҳаллалар кесимида давлат ва нодавлат органлари, жамоатчилик вакиллари таркибидан тузилган мувофиқлаштирувчи гуруҳлар (МГ) ўз таркибида турли соҳа мутахассислари ва ваколатли органлар вакилларини бирлаштирган. Уларнинг бутун кейс-менежмент босқичлари давомида мувофиқлаштирилган тарзда иш юритиши – лойиҳада қўзланган мақсадга эришиш имкониятини оширган.
- **Мезо даражада:** ҳар бир вилоятда идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш секретариати белгиланган. Вилоят кесимидаги раҳбарлар таркибидан тузилган ушбу жамоа, микро даражада олиб бориладиган ишларнинг узвийлигини, сифати ва динамикасини белгилаб беради. Вилоятдаги секретариатнинг Республика миқёсида олиб борилган давра суҳбатлари, ишчи гуруҳ йиғилишларида олган установакалари, янгича ёндашув талқини ҳамда SOS Ўзбекистон Болалар маҳаллалари, ЎзР Хотин-қизлар кўмитаси ўртасида тузилган ўзаро ҳамкорлик Меморандуми лойиҳада қўзланган вазифаларнинг самарали ҳал бўлишида ўрни катта.
- **Макро даражада:** Республика кесимидаги оила ва болаларни ҳимоялаш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилот ва идоралар фаолияти – Бола тўғрисидаги Конвенция ижросини таъминлаш бўйича Идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгаш (ИМК) томонидан уйғунлаштирилиши тизимнинг вертикал кесимида ўзаро тушуниш, оила ва бола муаммоларининг самарали ечимига эришилишида катта аҳамиятга эга.

Умид қиламизки, 2020 йилда янги ташкил этилган Маҳалла ва Оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан тузилган ҳамкорлик Меморандуми ҳам ушбу тажрибани ижтимоий ҳимоя тизимининг бутун вертикал бўйлаб кенг давом эттирилишига хизмат қилади.

### **2.3. SWOT-таҳлил яқунлари тасвири:**

#### ***Лойиҳанинг кучли томонлари:***

- Лойиҳа мақсади ва кўзда тутилган натижалар Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, ҳукумат қарорлари, жумладан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегияси”, ЎзР Президентининг 2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида Оила Институтини Мустаҳкамлаш Концепциясини Тасдиқлаш Тўғрисида” ги 3808-Қарори, 2019 йилдаги “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4185-сонли Қарори, ЎзР ВМнинг 2019 йил 30 сентябрдаги “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг муқобил шакллари танлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий етимликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-қарори ва бошқа қонунчилик меъёрлари талабларини ўзида тўлиқ акс эттирган. Оила ва болаларни қийин ҳаётий вазиятдан чиқариш, ушбу мақсадда ижтимоий ҳимоялашнинг самарали механизмларини қўллаш ва ш.к. – лойиҳа мақсад ва вазифалари билан чамбарчас алоқадор. Демак, қонун ижросининг таъминланганлиги – лойиҳа самарадорлигининг муҳим бир хусусиятидир.
- Ўзбекистон замонавий босқичда кадрларнинг халқаро стандартларга мос тарзда салоҳияти оширилиши каби эҳтиёжни ҳис қилмоқда. Бу лойиҳа бир нечта мутахассисларнинг замонавий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишини таъминлади.
- Лойиҳага жалб қилинган тренерлар, услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш бўйича экспертлар Ижтимоий иш соҳасидаги кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассислардан иборат. Уларнинг касбий маҳорати кўплаб бошқа мутахассислар учун билимлар манбаи бўлиб хизмат қилди. Бу – бенефициарлар томонидан тренинглар давомида билдирилган таклиф ва мулоҳазаларда ҳам акс этган.
- Жойлардаги маҳаллалардаги мутахассисларнинг фаолиятига супервайзерлик фаолиятининг йўлга қўйилганлиги. Супервайзерлар жамоаси – SOS Болалар маҳаллаларининг тажрибали Ижтимоий иш ходимлари ва психологлари билан тузилган

бўлиб, уларнинг тажрибаси жойларда фаолият олиб боровчи мутахассислар учун яхши намуна бўла олди.

- Лойиҳада белгиланган вазифалар ўз вақтида самарали амалга оширилиши оқилона йўлга қўйилган. Натижада юқори сифат ва миқдорий кўрсаткичларга эришилди.
- Республика кесимида Бола тўғрисидаги Конвенция ижросини таъминлаш бўйича Идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгаш (ИМК) фаолиятининг йўлга қўйилганлиги – лойиҳанинг келгусидаги барқарорлигига хизмат қилади.

#### ***Кучсиз томонлари:***

- Тренингларга чекланган миқдордаги мутахассисларнинг жалб қилинганлиги;
- “кейс-менежмент” стандартларини жорий қилиш юзасидан Идоралараро келишувга келишга улгурилмаганлиги.

Бироқ ушбу кучсиз томонлар лойиҳанинг қимматини асло камайтирмайди, аксинча келгусидаги режаларга асос бўлиши лозим.

#### ***Хатар омиллари:***

- Жойлардаги маҳаллаларда идоралараро ва ихтисосликлараро МГнинг лойиҳа тугаганидан сўнг кейс-менежмент талабларига риоя қилмаслиги – келгусида лойиҳанинг барқарорлигига хавф бўлиши мумкин бўлган омиллардандир.
- Ўқитилган кадрларнинг ўз иш жойларидаги қўнимсизлиги ва янги, кейс-менежмент билими ва кўникмаларидан беҳабар ходимларнинг келиши.

#### ***Лойиҳанинг имкониятлари:***

- Эҳтимолий хатар омилларини бартараф этиш учун вилоятлардаги тренерлар жамоаси салоҳиятидан фойдаланиш. Улар бошқа жамоаларни ҳам кейс-менежмент билим ва кўникмаларига ўқитишда ёрдам бера оладиган *кучли тренерларга, супервайзерларга* айланган.
- Идоралараро ҳамкорлик барқарорлигини сақлаб қолиш. Бунинг учун жойлардаги мутахассислар таркибидан супервайзерларни белгилаш. Бу амалиёт лойиҳа натижалари барқарорлиги ошишига хизмат қилади.
- Лойиҳа доирасида кейс-менежмент инструментларининг қисқартирилган намунаси ишлаб чиқилган ва жойларда самарали апробациядан ўтказилган. Кейс-менежмент стандартларига мос тарзда қисқартирилган иш ҳужжатлари (шакллари) намуналари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг жойлардаги бўлинмалари

ҳамда Ўзини-ўзи бошқриш органлари фаолиятида фойдали қўлланма сифатида хизмат қилиши мумкин.

### 3. Лойиҳа мақсадларига эришишга таъсир қилган омиллар

Лойиҳа мақсадларига эришишга қуйидагилар ижобий таъсир кўрсатган:

- Лойиҳани амалга ошириш стратегиясида *қатъий методологияга* риоя қилинганлиги. Жумладан, болалар, оилалар ва аёллар масалаларидаги *халқаро ва миллий қонунчилик нормалари* асосий манба сифатида белгилаб олингани. Бу ҳамкорлик Меморандумининг тузилишида, услубий қўлланмалар ва тренинг материаллари тўпланилишида ҳам ўрнатилган қонунчилик нормалари ижроси кўзда тутилган.
- Услубий ва ташкилий тадбирлар *бола эҳтиёжларининг назарий асосларига* таянилган ҳолда белгиланган. Жумладан, боланинг ривожланишида *ҳиссий боғланганликнинг* ўрнини алоҳида ажратиб, услубий қўлланма ва тренинг материалларида қатор олимлар Жон Боулби, Эйнсворт, Харлау ва шу каби бошқа жаҳон олимларнинг илмий изланишлари, замонавий босқичда фаолият юритаётган олимлар, илмий жамоаларнинг ютуқларидан кенг фойдаланилган. Бу эса лойиҳанинг асосий бенефициарларида касбий фаолиятининг назарий асосларини тўғри англашларига хизмат қилди. Болаларга нисбатан шафқатсиз ва бефарқ муносабатга йўл қўймаслик, ҳимояга муҳтож инсонларга нисбатан дискриминацияга йўл қўймаслик (антидискриминацион амалиёт), мижозлар билан конструктив мулоқот кўникмалари каби масалалар – мутахассисларнинг касбий фазилатларининг кучайиши, ўз ишларида Ижтимоий иш ахлоқий тамойилларига риоя қилиб ишларига хизмат қилади.
- Лойиҳанинг асосий ғояси – *идоралараро ҳамкорликка асосланганлиги*. Бу ҳам лойиҳанинг кучли томони бўлиб, турли ташкилот ва идоралар орасида ижтимоий шерикчиликнинг йўлга қўйилиши орқали қийин ҳаётий вазиятдаги оила ва болалар учун ижтимоий хизматлар самарадорлигига эришишга хизмат қилади. Тренингларни ташкил қилишда ҳам идоралараро ҳамкорлик тамойилига риоя қилинган. Жумладан, ҳар бир тренингда маҳаллий ҳудуддаги МГ аъзолари таркиби жамланган бўлиб, улар ўқув машғулотларда ижтимоий шерикчиликнинг заруриятини янада яхшироқ англашларига эришдилар.

- *Доимий мониторинг, супервизия тизими* ҳам лойиҳа ижрочилари жамоаси, шунингдек лойиҳа бенефициарлари фаолиятига кенг ва самарали йўлга қўйилганлиги.
- Лойиҳа бенефициарлари учун ташкил этилган давра суҳбатлари, тренерлар учун тренингларда *тажрибали ва салоҳиятли тренерларнинг жалб қилинганлиги*. Ушбу амалиёт кенг омма учун лойиҳа ғояларининг тўғри етказилиш ва талқин қилинишига хизмат қилди.
- Лойиҳа *ижрочилари жамоасининг салоҳияти*. Салоҳиятли жамоа лойиҳа режасида белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали ташкил этилишига хизмат қилди.
- Лойиҳа ижросининг *бутун вертикал бўйлаб*, яъни микро тизимдан тортиб то макро тизимга қадар *ўзаро узвийликнинг ўрнатилганлиги*. Ҳар бир звенонинг ўз вазифалари ва ишига масъулият билан ёндошиши – кўп сондаги болалар ва оилалар муаммолари самарали бартараф этилишига хизмат қилди.
- Мазкур лойиҳа ижросида илгари амалга оширилган лойиҳалардан ўзлаштирилган *хулосалардан унумли фойдаланилганлиги*. Бу мазкур лойиҳада бошқа хатоликларга йўл қўйилмаганлигини таъминлади.
- Жойлардаги МГ ларга, шунингдек Ижтимоий иш вазифаларни бажариши лозим бўлган *мутахассислар сифатида касбий фазилатларга эга*: шахсий намуна бўла оладиган, эмпатия қобилиятига эга, ижтимоий ҳимоя тизимида кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган *мутахассисларнинг жалб қилинганлиги*. Салоҳиятли ва қобилиятли кадр – лойиҳа самарадорлигига эришиш учун муҳим ресурсдир.
- Лойиҳада эришилаётган натижалар, юзага келаётган муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари *нинг мунтазам равишда ҳамкор ташкилотлар билан ўртоқлашилши, муҳокама қилиниши*. Жумладан, тренинглар учун тузилган ўқув материаллар мунтазам равишда салоҳиятли экспертлар билан муҳокама қилиб борилди. Материаллар такомиллаштирилишида уларнинг қимматли тавсия ва изоҳлари инобатга олинган.

Лойиҳа самарадорлигига таъсир кўрсатган **салбий омиллар**:

- Жойлардаги МГ жамоаларининг қийин ҳаётий вазиятдаги оила ва болалар муаммоларини бартараф этиш учун олиб бораётган қўллаб-қувватловчи фаолияти ҳар доим ҳам *бошқа ташкилотлар томонидан ижобий қабул қилилмади*. Ишга нисбатан мақсадли ёндошилмаслигига ундади. Оила муаммоларини бартараф этиш ўрнига болани давлат тарбия муассасаларига жойлаштириш тавсиялари ҳам учраб турди. Ушбу вазият барча ҳамкор ташкилот мутахассисларини кенгроқ қамровда

Ижтимоий ишнинг самарали механизмларини кўллашга ўқитиш заруриятини кўрсатмоқда.

- Қийин ҳаётий вазиятдаги баъзи оила ота-оналарининг масъулияти даражаси пастлиги. Оила қариндошларининг оилага нисбатан ёпиқлиги. Ота-оналардаги ғайриижтимоий хулқ-атвор ва салбий ҳаёт тарзини ўзгартиришга нисбатан интилишининг пастлиги. Бундай ҳолат – болалар манфаатларини ҳимоялаш мақсадидаги кескин чораларнинг кўрилишига сабаб бўлади.

#### **4. Лойиҳада амалга оширилган тадбирлар ва қўлланилган усулларнинг келгусида ҳам долзарблиги**

**4.1.** Жамиятда қийин ҳаётий вазиятдаги ҳамда давлат, жамоатчилик кўмагига муҳтож оила ва болалар бўлар экан у доимо ижтимоий муаммоларни бартараф этишга қаратилган лойиҳа ва дастурлар эътибори марказида бўлади. Бу эса ўз самарали натижаларига эга бўладиган усулларни кенг оммага тақдим қилиш, амалиётга кенгроқ тадбиқ этилишини талаб қилади.

Юқорида тилга олинган ҳукумат қарорлари ва қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.05.2020 йилдаги “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4736-сонли қарорига биноан Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсмани) лавозими ҳамда ушбу лавозим зимасидаги вазифаларнинг белгиланиши лойиҳада қўлланилган самарали ҳимоя механизмини жорий қилиш учун синов майдонига айланиши имкониятини оширади. Хусусан, бошқа вазифалар қаторида Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг мажбуриятларига қуйидаги вазифа ҳам киради:

- “маслаҳат, тавсия ва хулосалар бериш орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашиш”.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ҳузурида Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик кенгашининг жорий қилиниши ушбу лойиҳа натижалари ва самарадор усулларини таклиф қилиш учун ққулай платформа бўлиб хизмат қилади. Жамоатчилик Кенгаши қуйидаги масалаларни ҳал этишга кўмаклашади:

- ...Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга қўмаклашиш...;
- ...Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимидаги давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича таклифлар бериш.

Мазкур Жамоатчилик кенгаши таркибига обрў-эътиборли фуқаролар, олимлар, экспертлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари киритилади.

Ҳалқаро тарибадан келиб чиқиб “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсмани) тўғрисидаги Қонун”га 3 ой давомида ўзгартиришларнинг киритилиши каби масаланинг белгиланиши ушбу лойиҳанинг аҳамиятли натижаларини таъминлаган ҳимоя механизмларини тавсия қилиш учун яхши имкониятдир.

Ушбу Қарорда 2020 йилнинг 1 ноябрига қадар Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга “бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳолатни танқидий ўрганиш асосида мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва соҳани такомиллаштириш бўйича таклифларни киритиш” мажбурияти белгиланган. Шу муносабат билан, қуйидаги маълумотлар акс этган тавсияларнинг тайёрлаиб Вакилга тақдим қилиниши муҳим аҳамиятга эга:

- Лойиҳани амалга ошириш давомида эришилган ютуқлар;
- Ижтимоий ҳимояга муҳтож оила ва болаларни қўллаб-қувватлаш амалиётида апробациядан ўтказилган самарали механизмлар мазмуни, иш технологиялари;
- Идоралараро ҳамкорликни шакллантириш ва ш.к.

**4.2.** Лойиҳада таклиф қилинган кейс-менежментнинг қисқартирилган инструментини (баҳолаш шакллари) янги таркиб топган Оила ва Маҳалла вазирлиги фаолиятига жорий қилинишини тавсия қилиш. Бунда нафақат ушбу лойиҳа, балки SOS Болалар маҳаллалари ҳамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида кенг қўлланилаётган кейс-менежмент инструментлари стандартларини уйғунлаштириш масаласини кўриб чиқиш ҳам мумкин.

**4.3.** Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар, жумладан ҳокимиятлар ва SOS Болалар маҳаллалари зиммасида ЎЗР ВМнинг

30.09.2019 йилдаги “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг муқобил шакллари танлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий етимликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-қарори ижросини таъминлаш масаласи турибди. Жумладан, Қарорга 1-илова билан тасдиқланган “2019-2023 йилларда Меҳрибонлик уйлари ноинституционаллаштириш Дастури”да ҳимояга муҳтож оилалар билан ишлаш чораларини кучайтириш орқали болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш чораларига оид кўплаб бандлар белгиланган. Дастурнинг 7- ва 10-бандларидаги тадбирларнинг ижросини таъминлаш учун қуйидаги чоралар белгиланган:

“- Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларини ноинституционаллаштириш дастуридан кўзланган мақсад ҳамда бу соҳадаги хорижий давлатлар тажрибаси билан таништириш...

- Ҳар бир туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликларида «Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимида ноинституционаллаштириш дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар»ни ишлаб чиқиш орқали кам таъминланган оилалар болаларини Болалар уйлари, «Меҳрибонлик» уйлари ва Болалар шаҳарчаларига жойлаштирилишининг олдини олиш ишларини кучайтириш.

- Ноинституционаллаштириш ўтказилиши зарурлиги жамоатчилик томонидан тан олиншига эришиш мақсадида болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимида фаолият юритувчи соҳа мутахассисларининг хабардорлик даражасини ошириш.

- ...Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида қийин ҳаётий вазиятларга тушиб қолган аёлларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини кучайтириш”.

Ушбу нормалар ижтимоий ишнинг самарали амалиёти, хусусан кейс-менежмент стандартларининг қўлланилиши ҳисобигагина муваффақиятли амалга оширилиши мумкин. Бугунги кунда юртимизда Меҳрибонлик уйлари, Болалар уйлари ва шу каби институционал муассасалар бўлар экан, у ерда ота-она ғамхўрлигига муҳтож болалар тарбияланар экан лойиҳа мақсадлари ҳамда унда қўлланилган усуллар долзарблигича қолади.

## 5. Лойиҳа натижаларини жорий қилиш юзасидан Тавсиялар<sup>4</sup>

Юқоридаги таҳлилий муносабатимиз якунида лойиҳа натижаларини келгусида жорий қилиш юзасидан қуйидаги тавсияларимизни берамиз.

1. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун ижтимоий хизматларнинг маҳалла қошида ташкил этилгани маъқулдир. Бу хизматлар маҳаллани қамраб олган ёки шу ҳудудда жойлашган бирламчи звено муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик асосида ташкил этилади. Маҳалла қошида ижтимоий хизматларни кўрсатиш моделининг яратилиши мақсадга мувофиқ бўлган бўлар эди. Чунки маҳалла ҳудудий жамоа ҳисобланиб, унинг фуқаролари маҳаллий ўзини ўзи бошқариб, ҳамкорликда шу ҳудуддаги кўплаб муаммоларни ҳал қиладилар, турли ривожлантирувчи тадбирларни амалга оширадилар, шу билан ўз фуқароларини қўллаб-қувватлайдилар. Шу билан бирга маҳаллаларда ҚХВ даги оилалар ҳам мавжуд бўлиб, айнан шу маҳаллагина бундай оилалар ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлиши мумкин, шу сабабли маҳалла биринчилардан бўлиб оилада юзага келган вазиятдан чиқиш йўллари излаб топишга ёрдам бера олиши мумкин.

Идоралараро ҳамкорлик – ижтимоий хатарли вазиятдаги оилалар ҳамда уларнинг фарзандларига йўналтирилган хизматларнинг мувофиқлаштирилиши жараёнидир.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга қаратилган ижтимоий хизматларни кўрсатувчи бирламчи звено муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш вазифасини аёллар билан ишлаш ҳамда оиланинг маънавий-ахлоқий қадриятларини мустаҳкамлаш иши билан шуғулланувчи ХҚ масалалари бўйича раис ўринбосари амалга оширади.




<sup>4</sup> Баъзи матнлар лойиҳа доирасида тайёрланган “Ижтимоий иш кейс-менежменти: идоралараро ҳамкорлик” услубий қўлланмасидан олинган.

2. Туман кесимидаги ҳар бир маҳаллада ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга хизмат кўрсатувчи давлат ва нодавлат органлари, муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда кўрсатиладиган хизматларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида “Идоралараро ҳамкорликни ташкил этиш тўғрисида”ги туман ҳокими Қарорини ишлаб чиқиш ва тасдиқлатиш мақсадга мувофиқ. Ушбу ҳужжат Маҳалла ва оила вазири билан келишилган тарзда тасдиқлатилиши унинг ижроси самарадорлигини оширади.

“Идоралараро ҳамкорликни ташкил этиш тўғрисида”ги ҳоким қарори ҳамда “Идоралараро ўзаро ҳамкорлик тўғрисида”ги Низом Идоралараро ишчи гуруҳнинг фаолияти учун асос сифатида хизмат қилади. Бундай меъёрий ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши турли давлат ва нодавлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш имкониятини кучайтиради.

Идоралараро ҳамкорлик жараёнида маҳалла комиссияси аъзоларининг асосий функциялари:



Идоралараро ҳамкорликнинг ўрнатилиши қуйидагиларга эришиш имкониятини беради:

- аҳолининг муайян тоифаларига ёрдам кўрсатаётган барча субъектларнинг саъй-ҳаракатларини оптималлаштириш;
- кадрлар муаммосини ҳал этиш, чунки ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида асосий ижтимоий соҳадаги маълумотга, жумладан, ижтимоий иш соҳасидаги билимларга эга

бўлган салоҳиятли кадрлар етишмайди. жамоатчилик, хусусий ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликнинг самарадорлигига, чунки улар одатда ўз режалари асосида ишлаб, расмий давлат тузилмалари билан ҳаракатларини мувофиқлаштирмайдилар. Бунинг натижасида улар фаолияти самарадорлиги сезиларли тарзда пасаяди.

**3.** Лойиҳа натижаларини олий ўқув юртлирида Ижтимоий иш бўйича мутахассисларни тайёрлаш режаларига, кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курслари ўқув дастурлари мазмунига “Самарали ижтимоий ҳимоя механизмлари” мазмунидаги ўқув курсининг ёки модулининг киритилиши мақсадга мувофиқ. Бу бир томондан, лойиҳа натижаларининг оммавий тарзда жорий қилинишини таъминласа, иккинчи томондан, кадрларнинг самарали инструментлардан фойдаланиш юзасидан билим ҳамда кўникмалари ошишига хизмат қилади.

**4.** Келгусида “Ижтимоий хизматларда супервизия тизими” мазмунидаги услубий қўлланма ёки стандартларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлатиш. Ушбу ғоя келгусидаги бошқа лойиҳалар учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Зеро, Ўзбекистонда супервизия асослари бўйича бугунги кунда манба ёки материаллар деярли мавжуд эмас. Бундай манбанинг ишлаб чиқилиши кейс-менежмент самарали механизмлари сифат даражасида амалга оширилишини таъминлайди.

**5.** Кейс-менежмент инструментининг ихчамлаштирилган намунасида таклиф қилинаётган ва лойиҳа бенефициарлари томонидан оилалар билан ишлашда муваффақиятли қўлланилган Баҳолаш шакллари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари ишига кенг жорий қилиш. Ушбу мақсадда “Маҳаллада ижтимоий иш кейс-менежменти: идоралараро ҳамкорлик” қўлланмасидан унумли фойдаланиш тавсия қилинади. Кейс-менежментнинг таклиф қилинаётган модели маҳалла кесимида қийин ҳаётий вазиятдаги ва ҳимояга муҳтож оила ва болаларнинг муаммолари самарали ҳал қилинишига хизмат қилади.





### Ўзбекистондаги Европа Иттифоқи Делегацияси



Халқаро бизнес маркази, 15 қават, Амир  
Темур кўчаси, 107 Б, Тошкент ш. 100084,  
Ўзбекистон



(+998 78) 120-16-01/02  
(+998 78) 120-16-03/04



delegation-uzbekistan@eeas.europa.eu  
www.eeas.europa.eu/delegations/uzbekistan



eu4uz



eudeluzb

### Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги



Истиклол кўчаси, 51-уй,  
100047, Тошкент ш.



(+998 71) 236-37-90



www.mahallakengashi.uz



mahallakengashi.uz



mahallavaoilainfo

### SOS Ўзбекистон Болалар Маҳаллалари уюшмаси



Пойтахт бизнес маркази ш.Рашидов кўчаси  
16, Тошкент ш, 100029



(+998 78) 140-97-27/28/29  
(+998 78) 140-97-30



info@sos-kd.uz  
www.sos-kd.uz



sos\_cv\_uzbekistan



sos.childrens.villages.uzbekistan